



Samarqand viloyati, Samarqand tumani, Gulobod qo'rg'oni.
Tel.: +998(366) 612-55-31, faks: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

15 у.г. «29» июн

№ 878-К

“Туркман” маҳалла фуқаролар йиғинига кичик истироҳат боғи ва болалар спорт майдончаси қуриш ҳамда фуқаро Хўжамкулова Фирузага енгил конструкцияли музқаймоқ ва яхна ичимликлар сотиш павилиони қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2015 йил 19 июндаги 810-сонли хулосаси, “Қишлоққурилишлойиха” институтининг 2014 йил 30 майдаги 5-14/216 сонли хулосаси, “Туркман” маҳалла фуқаролар йиғини ва фуқаро Хўжамкулова Фирузанинг туман ҳокими номига қилган прожаатларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ қароридан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Тумандаги “Каттақурғонариқ” қишлоқ фуқаролар йиғини, масъулияти чекланган “Тордара-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 242 ва 243-контурларидан “Туркман” маҳалла фуқаролар йиғинига кичик истироҳат боғи ва болалар спорт майдончаси қуриш учун 0,30 га ҳамда фуқаро Хўжамкулова Фирузага енгил конструкцияли музқаймоқ ва яхна ичимликлар сотиш павилиони қуриш учун 0,01 га жами қилиб 0,31 га (шундан 0,31 га туман захирасидаги ижтимоий бино ва ховли) ер майдони ажратилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 01 январ ҳолати ер балансида қайд қилинган ер участкаларини қайта баҳолаш бўлими (Ж.Хўжамуродов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га топширилсин.
4. Кичик истироҳат боғи ва болалар спорт майдончаси ҳамда енгил конструкцияли музқаймоқ ва яхна ичимликлар сотиш павилиони бино-иншоотларини қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси Туркман” маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда фуқаро Хўжамкулова Фирузага топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров